ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

муҳим ва долзарб жиҳати шундаки, ҳали сайёрамиздаги барча давлатлар ҳам ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага қўшилган эмас.

Ҳозирги кунда ҳам яқин-яқинимизда ядро қуролига эга бўлиш нияти ҳақида очиқдан-очиқ гапираётган давлатлар бор.

Назаримизда, худди мана шунинг учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда мана шу хавфдан огоҳ қилиш, унинг олдини олиш борасидаги ташаббус ва чора-тадбирларга жиддий эътибор билан қараши ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши лозим.

Биз Марказий Осиё — дунёдаги аҳоли энг зич жойлашган минтақалардан бири эканини, аҳоли ҳар томонлама ночор, табиий ҳалокатлар тез-тез содир бўлиб турадиган шароитда истиқомат қилишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бошқа томондан олиб қараганда, бу ташаббуснинг муҳимлиги Марказий Осиёнинг ниҳоятда бой табиий, минерал, энергетик ва инсоний ҳамда бошқа ресурслари туфайли тобора ошиб бораётган геостратегик ҳолати билан ҳам изоҳланади. Бу ерда дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг геополитик ва стратегик манфаатлари тўқнашади. Шунинг учун ҳам тобора улкан аҳамият касб этаётган бу минтақанинг устунлик ва таъсир доиралари учун янги кураш майдонига айланиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

Биз Марказий Осиё минтақасининг халқаро хўжалик алоқалари тизимига, жаҳон иқтисодиёт ва ахборот майдонига фаол кириб бориши, жаҳондаги етакчи давлатлар ва халқаро муассасалар билан сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлаши, энг аввало бу минтақадаги давлатларнинг халқаро хавфсизликнинг дунёвий тизимига интеграциялашувигина барқарорлик ва изчил тараққиётнинг ишончли кафолати бўлишига қатъий аминмиз.

Марказий Осиёнинг дунё миқёсида тобора улкан аҳамият касб этаётгани, шунингдек, умумевропа хавфсизлиги тизимини янгича идрок этишни ҳам тақозо қилади. Биз шунга қатъиян аминмизки, **Марказий Осиёдаги — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти аъзолари бўлмиш бешта давлатни ўз ичига олган минтақада ядро хавфидан холи зонанинг барпо этилиши ЕҲҲТнинг умуммайдонида ҳам тинчлик ва барқарорлик пойдеворини янада мустаҳкамлайди.**

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этишнинг ҳақиқатан ҳам мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини таъкидлар эканман, Ўзбекистон БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида олға сурган бу ташаббус қўшниларимиз — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланганини мамнуният билан қайд этаман. Бу 1997 йил февралида қабул қилинган Алмати декларациясида ўз ифодасини топган. **Бу ҳужжат ядро қуролини тарқатмаслик соҳасида сиёсий ишонч муҳитини яратди.** Декларациянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа халқаро тузилмалардаги тақдимоти ҳамда унга халқаро ҳамжамият раҳбарлари ва аъзолари берган баҳо бизга кўтаринки руҳ бахш этади.

Марказий Осиё ташаббусининг юзага келишига ядро қуролини тарқатмаслик соҳасидаги халқаро тажриба диққат билан ўрганилгани ҳамда дунё миқёсида хавфсизликни мустаҳкамлашда ўзимизнинг ўрнимизни аниқлаб олиш туфайли имкон яратилди. Буни конференциянинг эксперт босқичи ҳам тасдиқлади. Мазкур босқич давомида минтақадаги давлатларнинг сайёрамизнинг ядро қуроли, ядровий портлатиш ускуналари бутунлай тақиқлаб қўйиладиган ҳудудларини кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларига ижобий баҳо берилди.

Хонимлар ва жаноблар!

Конференциямизнинг бундай нуфузли даражаси ўртага қўйилган масалаларни юксак эксперт даражасида ҳал этиш имконини беришига ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, эътиборингизни бизнинг конференция кун тартибининг концептуал томонларига бўлган нуқтаи назаримизга каратмоқчи эдим.

Биринчи. Ядро хавфсизлигига умумий, кенг қамровли хавфсизлик, омон қолиш муаммосининг таркибий қисми сифатида қаралиши керак. Ядро қуролига эга ва эга бўлмаган давлатларнинг мажбуриятлари ўртасидаги мувозанат — ядро қуролидан холи зонанинг самарали фаолият кўрсатиши асосидир.

Мен Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи зонанинг ишончли, мустаҳкам бўлиши ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар унинг мақомини эътироф этган тақдирдагина таъминланишига қатъиян аминман. Бошқа томондан олганда, барпо этилаётган ҳудудга оламшумул ядровий стратегия манзарасида бугунги кунда дунёда мавжуд бўлган ҳарбий мувозанатни бузадиган воқеа сифатида қаралмаслиги лозим.

Иккинчи. Ядро қуролидан холи зонани барпо этиш технологияси ўз-ўзидан минтақа хавфсизлигини таъминлаш масаласини ҳал қилмаслигини эътироф этиш зарур. Зонанинг барча фаолият имкониятларини ядро қуроли тарқалиши хавфининг олдини олишга сафарбар эта оладиган механизм ишлаб чиқилиши лозим. **Шу мақсадда иштирокчи давлатлар халқаро миқёсда тўпланган тажрибага ҳамда бир қанча асосий тамойилларга,** хусусан: — зона ядро қуролидан тўла равишда холи бўлиши таъминланиши лозим;

— унинг фаолият кўрсатиши бўйича иштирокчи давлатларгина эмас, барча манфаатдор мамлакатлар ҳам ўз зиммаларига мажбурият олиши мумкин;

— ядро қуролидан холи зонанинг барпо этилиши ҳақидаги битимлар келишилган мажбуриятларга риоя қилишни таъминловчи самарали назорат тизимини ўз ичига олиши лозим;

— назорат МАГАТЭ ва БМТнинг хавфсизлик кенгаши кафолати остида олиб борилиши лозим,

деган тамойилларга суяниши керак.

Учинчи. Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг барпо этилиши ва унинг фаолият кўрсатиши — **ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома доирасида белгилаб берилган дунё миқёсидаги ядро хавфсизлиги тизимининг ажралмас қисмидир. Бу амалда Марказий Осиё минтақаси давлатлари ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланишнинг умумий тартибига фаоллик билан қўшилажагини билдиради.**

Айни пайтда, ядровий қуролсизланиш бўйича тадбирлар билан бир қаторда оммавий қирғин қуролларининг бошқа турлари ҳам тарқалишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилиши лозим. Бу саъй-ҳаракатлар маслаҳатлар ўтказиш, ахборот алмашиш ва мавжуд қурол зиҳираларидан бир-бирини хабардор қилиш даражасидаги ҳамкорликни, шунингдек маҳаллий зиддиятлар мавжуд ҳудудларга қурол етказиб беришни қаттиқ назорат қилиш механизмини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олиши лозим.

Тўртинчи. Ҳар қандай сиёсий қарор, ҳар қандай давлатлараро ҳужжат ижтимоий муаммолар билан мустаҳкам боғлиқ бўлганидагина, инсон ва жамиятнинг муносиб турмуши таъминланганидагина бирон-бир кучга эга бўлади. Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи зона ҳам бундан мустасно эмас. У кишиларга айнан нима бериши мумкин? Муҳими — мазкур зона хавфсиз ва барқарор тараққиётни таъминлашга ҳисса қўшади. Бугунги кунда собиқ СССРдан қолган оғир ядровий меросни бартараф этиш билан боғлиқ муаммолар ҳам ўзининг зудлик билан ечилишини ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини кутмоқда.

Бунга Семипалатинск полигонида ўтказилган ядро синовлари оқибати ҳам киради. Бу ёпиб қўйилган ўнлаб уран конлари ҳамда ўтган йиллар мобайнида уранни жуда кўп қайта ишлашдан пайдо бўлган, инсонлар ҳаёти учун хавфли қатлам ва чиқиндилар муаммоси ҳамдир. Бу, ниҳоят — экология, инсонлар саломатлиги, уларнинг турмуш шароити муаммосидир.

Бешинчи. Конференцияни тайёрлашнинг эксперт босқичи кўрсатганидек, **Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ғояси минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларга тўла мос келади.** Бу мазкур муаммо бўйича илгари қилинган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир.

Хонимлар ва жаноблар!

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, сизларнинг эътиборингизни муҳим аҳамиятга молик бир масалага қаратмоқчиман. Биз ядро қуролидан холи Марказий Осиё зонасининг барпо этилиши рамзий тадбирга айланиб кетмаслиги кераклигини яхши биламиз. Уни барпо этиш бўйича тадбирлар қуролсизланиш ва қуролланишни назорат қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида, ядро қуролини тарқатмаслик бўйича шартнома доирасида амалга оширилиши лозим.

Ядро қуролидан холи зонанинг фаолият кўрсатишига одатдаги, анъанавий маънодагидан кўра кенгроқ қаралиши лозим.

Мен нимани назарда тутяпман?

Энг аввало, минтақадаги давлатлар ва чегарадош мамлакатлар ихтиёрида мавжуд бўлган парчаланувчи материаллардан одамларни ҳимоялашнинг аниқ ва амал қиладиган механизми ишлаб чиқилиши керак.

Биз, шунингдек, терроризм ва иғвогарликнинг турлича кўринишларидан ҳам кафолатланган эмасмиз.

Биз мамлакатларимиз ҳудудига исталган пайтда ядро қуролига айланиши мумкин бўлган хавфли ёнилғининг кириб келишидан ҳам кафолатланган эмасмиз. Давлатлараро даражада дипломатлар, давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ишини мувофиқлаштириш зарур. Биздан ядровий материалларни сақлаш, назорат қилиш ва ҳисоблаш, улардан ҳимояланиш борасидаги ҳамкорлигимизни фаоллаштириш ва чуқурлаштириш бўйича муайян тадбирлар ишлаб чиқилиши талаб этилади.

Ва ниҳоят, ядро қуролидан холи зона ядро қуролини тарқатмаслик, қуролсизланиш, назорат қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш борасидаги фаолиятини амалга оширишдан ташқари, **Марказий Осиё давлатларининг тинчликка хизмат қиладиган атомни тадқиқ қилиш соҳасидаги ҳамкорлигига кўмаклашуви лозим. Бунинг учун минтақада барча зарур имкониятлар мавжуд.**

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

Тошкентдаги бу учрашувимиз Тлателолко шартномасининг ўттиз йиллиги, Пелиндаб шартномасининг бир йиллиги ва атом энергияси бўйича халқаро агентлик — МАГАТЭнинг қирқ йиллиги нишонланаётган йилда ўтмоқда. Конференциямизга ўз вакилларини юборган ОПАНАЛ, Африкадаги ядро қуролидан холи зона иштирокчилари ҳамда МАГАТЭ шаънига қутлов йўллаш билан бирга, Ўзбекистонда бу нуфузли ташкилот ва давлатлар фаолияти хавфсиз дунё қуришга бўлган астойдил интилиш деб баҳоланишини қайд этмоқчиман.

Бу воқеаларнинг бир-бирига рамзий алоқасини таъкидлаган ҳолда шуни мамнуният билан қайд этаманки, Марказий Осиё давлатлари Лотин Америкасида бошланиб, минтақадан минтақага ўтиб бораётган ядро қуролидан холи дунё эстафетасини масъулиятини тўла ҳис этган ҳолда қабул қилиб олади.

Хонимлар ва жаноблар!

Марказий Осиёдаги ҳар бир давлат ўзининг минтақа тақдири учун масъулияти даражасини яхши билади. Шунинг учун ҳам биз мана шу залда ҳозир бўлганларнинг барчасига жаҳон ҳамжамиятининг бизнинг ташвишларимизни англаб етадиган ва унга шерик бўладиган, бизнинг хавфсиз дунё қуриш, якдиллик ва ҳамкорлик борасидаги интилишларимизда ёрдам беришга тайёр турган вакиллари сифатида қараймиз.

Биз Марказий Осиёдан ташқарида юз бераётган воқеалардан узилиб қолганимиз йўқ. Биз — инсониятнинг бир қисмимиз, дунё эса яхлитдир. Биз бошқа давлатлар билан бир қаторда сайёрамизнинг барча бурчакларида инсонларнинг кафолатланган, тинч ҳаёт кечирадиган вақтини тезроқ яқинлаштириш учун тинчлик ўрнатиш йўлидаги бунёдкорлик жараёнида иштирок этишни истаймиз.

Мен анжуманимиз мана шу олижаноб мақсадга эришиш, XXI асрдаги жаҳоншумул тинчлик моделини идрок этишда муҳим босқич бўлиб қолишига умид қиламан.

Конференциянинг барча иштирокчиларига ишларида самара ҳамда муваффақиятлар тилайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

(Давоми. Боши 1-бетда).

риш дастури тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши республикамиз қишлоқ ҳудудларида таълим муассасаларини қуриш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этди. Бу ёш авлод таълим-тарбиясига Республика Президенти ва ҳукумат ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир.

Ҳукуматнинг мазкур қарорини амалга ошириш мақсадида республикамизнинг барча вилоятларида маҳаллий имкониятлардан келиб чиқиб «Қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган дастури» ишлаб чиқилди. Унда асосий устиворлик таълим муассасаларини қуришга қаратилиб, унинг асосий моҳиятини 2000 йилгача авария ҳолатидаги мактабларни янги мактаб бинолари қуриш ҳисобига тугатиш, уларга спорт заллари, майдонлари, сузиш ҳавзалари, ошхоналар қуриб бериш, ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш ташкил қилади.

Ҳукумат қарорининг самараси 1996 йилдаёқ яққол кўрина бошлади. 1996 йилда республикамизда 53457 ўқувчига мўлжалланган 123 та мактаб учун янги биноларни қуриб битказиш режалаштирилган эди. Ҳақиқатда эса 63662 ўқувчига мўлжалланган 198 та мактаб учун янги бинолар ва мактабларга қўшимча бинолар қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу йиллик режага нисоатан 119 фоизни ташкил этади. Авария ҳолатидаги мактаблар ҳам йилдан-йилга қисқариб бормоқда. масалан, бундан беш йил илгари республика бўйича уларнинг сони мингдан ортиқ эди. Ҳозир эса 380 тани ташкил этади.

1997 йилда ҳам таълим муассасаларини қуриб, фойдаланишга топшириш бўйича юксак вазифаларни олганмиз. Шу йилнинг биринчи ойида мактаб қурилишининг асосий буюртмачилари бўлган вилоят ҳокимиятлари, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» бирлашмаси, Оролбўйи дирекцияси билан биргаликда капитал қурилишнинг манзилли режа дастури тайёрланиб, ҳукумат тасдиғидан ўтказилди. Режага кўра, жорий йилда республика бўйича барча маблағлар ҳисобига 61330 ўқувчига мўлжалланган 183 та, шу жумладан, қишлоқ ҳудудларида 52370 ўқувчига мўлжалланган 172 та мактаб учун янги қўшимча бинолар қурилиб фойдаланишга топширилади. Яна шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, қишлоқ ҳудудларида қурилиши битказилиб фойдаланишга топшириладиган мактабларнинг 40580 ўқувчига мўлжаллангани республика бюджети ҳисобидан. Ушбу мақсадлар учун республика сармоясидан 2 млрд. 96 млн. сўм ажратилиши режалаштирилган. Таълим муассасалари қурилишининг ҳозирги суръатларига назар ташласак, бизни умидбахш натижалар кутмоқда.

— 1997 йил 1 сентябрга барча маблағлар ҳисобига фойдаланишга топширилган умумтаълим мактаблари, тезкор усулда қурилган илм масканлари тажрибаси хусусида икки оғиз сўзлаб берсангиз?.. Улар бунда қайси омилларга таянганлар?

— Мен юқорида жорий йилдаги режаларимиз ҳақида айтиб ўтдим. Сизнинг бу саволингиз назаримда бежиз берилмади. Чунки одатда қурувчилар қурилиш режасининг катта қисмини йилнинг сўнгги чорагига қолдирадилар. Лекин айтишим жоизки, бу йил ундай бўлмади. Қурувчиларимиз йилнинг бошидаёқ Республикамиз мустақиллигининг 6 йиллигига муносиб туҳфа тайёрлаш иштиёқи билан меҳнат қилдилар. Натижада жорий йилнинг 1 сентябрига 41197 ўқувчига мўлжалланган 120 та, шу жумладан, қишлоқ ҳудудларида 36780 ўқувчига мўлжалланган 114 та мактаб ўқувчиларни ўз бағрига олди. Бу республикамиз йиллик режасининг 67 фоизини ташкил этади. Агар бу рақамларни 1996 йил январ-август ойлари кўрсаткичлари билан қиёслайдиган бўлсак, ўтган йилнинг 1 сентябрига қадар 28911 ўқувчига мўлжалланган 91 та мактаб учун янги бинолар қурилган эди.

Республикамизнинг жорий йилдаги бу кўрсаткичига йиллик режанинг Бухоро вилояти 139 фоиз, Хоразм вилояти 119 фоиз, Жиззах 111 фоизга бажариб муносиб ҳисса қўшдилар. Агар Тошкент 21 фоиз, Навоий 38 фоиз, Андижон 39 фоиз, Сурхондарё 46 фоиз вилоятларида таълим муассасалари қурилишига етарли эътибор берилганда эди, кўрсаткичлар янада юқорироқ бўлган бўлур эди.

Энди илм муассасаларини тезкор усулда қуришда қайси омиллардан фойдаланилаётганлиги масаласига келсак шуни айтиш мумкинки, таълим муассасаларини тез ва арзон қуриб фойдаланишга топшириш мақсадида асосан қурилиш даражаси 50—60 фоиз бўлган, лекин турли сабаблар билан қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилган мактаб учун янги бинолар қурилиш ишларини қайта жонлантириш омилидан кўпроқ фойдаланиляпти. Албатта, бу билан чала битган мактаблар қурилишини давом эттириш ҳисобига режалар бажариляпти, деган хулоса чиқмайди. Республикада 48 та мактаб қурилиши тамоман янгитдан бошланиб ишга туширилди. Лекин қаурилиш ишлари ташлаб қўйилган объектларда ҳам ишларни давом эттириб, қурилиш ишларини ниҳоясига етказишни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

— Фойдаланишга топширилган мактаблар барчаси тўлиқ жиҳозланганми? Жиҳозлари эскирган мактаблар таъминоти аҳволи қай даражада?

— Саволингиз ўринли. Мактаб қурилиши уни мебеллар, жиҳозлар, ўқув кўргазмали ва техник воситалари етарли даражада таъминлаш билан бирга қўшиб олиб борилиши керак. Бироқ, бу ўринда катта муаммолар борлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Халқ таълими вазирлиги томонидан 1996 йилдаёқ қурилиши битказилиб, фойдаланишга топшириладиган мактаб биноларини турли мебеллар, жиҳозлар, ўқувнинг техник ва кўргазмали воситалари билан таъминлашнинг минимал нормативлари ишлаб чиқилиб, барча буюртмачиларга етказилган эди. Бу нормативларга эса таъминотнинг давлат стандартлари асос қилиб олинган. Шу асосда фикр юритадиган бўлсак, қуриб битказилган мактаб учун янги бинларни мебеллар ва жиҳозлар билан таъминлаш, Республика бўйича 35—40 фоиздан ошмайди. Камомад эса эски ёки эҳтиёждаги мебель ва жиҳозлар ҳисобига катта қийинчиликлар эвазига тўлдирилмоқда. Айниқса, бу масалада Сирдарё (70 фоиз), Навоий (14 фоиз), Жиззах (16 фоиз), Қашқадарё (16 фоиз), Андижон (14 фоиз) вилоятларида аҳвол ачинарлидир.

Янги қурилиб фойдаланишга топширилган таълим муассасаларини ўқувнинг техник ва кўргазмали воситалари билан таъминлаш бўйича аҳвол ҳам яхши эмас. Республика вилоятларида буюртмачи ташкилотлар томонидан шу мақсадлар учун атиги 11,8 млн. сўм ажратилди. Бу умумий эҳтиёжнинг 2 фоизини ташкил этади, холос. Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Тошкент вилоятларида бу мақсад учун маблағ ажратилмади. Буюртмачилар қолган вақт ичида бу нуқсонларни бартараф этадилар деб умид қиламиз.

— Аслида йил бошида режа олинади. Белгиланган режалар бажарилишига ишонч борми?

— Тўғри. Режа йил бошида олинади. Лекин бу режалар аниқ имкониятлар асосига қурилиб, барча ички заҳиралар ҳисобга олинади. Ўйлайманки, таълим муассасаларини қуриб фойдаланишга топшириш бўйича тузилган режалар шубҳасиз бажарилади.

Бугунги кунда вазирлик таълим муассасалари капитал қурилишининг 1998 йилги манзилли режа дастури устида ишламоқда. Режалаштиришда мактабларни биринчи навбатда қишлоқда аҳоли зич жойлашган ҳудудларда, янги ташкил этилган аҳоли яшайдиган мавзеларда, улкан саноат корхоналари барпо этилаётган жойларда амалга оширишга алоҳида эътибор берилаётир.

Энди мен фурсатдан фойдаланиб барча халқ таълими ходимларини уларга камарбаста бўлаётган қурувчи ҳамкасб дўстларимизни ва биз учун севимли бўлган «Маърифат» газетасининг таҳририятини, шунингдек, барча муштарийларини яқинлашиб келаётган «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» байрами билан чин юракдан табриклайман ва муборакбод этаман. Уларнинг барчасига мустаҳкам соғлиқ, бағри бутунлик, эзгу ишларига эса улкан ютуқлар тилайман.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.

ЯНГИ МАКТАБЛАР — ЖАМИЯТ КЎРКИ

Ko'rik-tanlov

БОЛАЛАРГА ЖОН ФИДО

Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллигига бағишланган болаларбоп бадиий баркамол асарлар анъанавий кўрик-танлови ҳам ёш авлод таълим тарбияси, манфаатига қаратилгани билан кишини қувонтиради. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси, Халқ таълими вазирлиги Республика «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этди.

Кўрик-танлов шартларига кўра, ватанни севиш, миллий қадриятларни ардоқлаш, болалар онгига юрт мустақиллиги ва миллий давлатчилик руҳини уларнинг ўзларидек содда ҳолда сингдириш, мардлик, жасорат, она Ватан ҳимоясига тайёр туришни уқтириш, мукаммал шахсни улғайтириш каби ғоялар яратиладиган асарларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этиши керак эди.

Хўш, кимлар, қайси адиблар, шоирларга ғолиблик насиб этди?

Нуфузли ҳайъат аъзолари ғолиблар рўйхатига қуйидаги муаллифларни тавсия этишди.

Шоир Ўроз Ҳайдарнинг «Ҳазилкаш қиш», Мухтор Носирнинг «Жўжанинг шарти» шеърий тўпламлари, Эркин Усмоновнинг «Туш кинога ўхшайди», Қурдош Қаҳрамоновнинг «Қалбдаги чандиқлар» қисса ва ҳикоялар китоби, Султон Жабборнинг «Тўкилган киндик қони», «Тупроққа фидо жоним», Ҳамза Имомбердиевнинг «Бир кунлик мўъжиза», Бобур Бобомуроднинг «Элим бўлди давлатли» тўпламлари ҳамда Кавсар Турдиеванинг «Бола қалбини сўзлатиб» адабий-танқидий рисолалари ҳайъат аъзоларига ҳар жиҳатдан маъқул келди. Ушбу асарлар чоп этиш учун нашриётларга топширилади. Демак, мазкур асарлар мактаб ўқувчиларининг ҳам маънавий мулкига айланиб қолади.

Мухбиримиз.

Gazeta va mushtariy

МЕНДА ФИКР БОР

«Маърифат» газетаси саҳифаларида муҳим ҳужжатлар билан бирга ўқитувчиларнинг дарди, қувончи, иш услуби, ўй-ташвишлари, бола тарбиясига оид маслаҳатлари, ўқитиш жараёнини такомиллаштириш борасидаги фикр-мулоҳазалари, шунингдек, маорифимиздаги илғор тажриба ва янгиликлар акс этади. Айтиш жоизки, газетанинг янада ўқимишли, сермазмун бўлиши эса жамоада меҳнат қилаётган журналистларнинг фаоллигига ҳамда муштарийлар билан мустаҳкам алоқаларига боғлиқдир. Шу боис газета заҳматкашлари жойларда бўлишиб, газетхонлар билан тез-тез учрашувлар ўтказадилар, уларнинг таклиф ва истаклари, муаллимлар газетаси саҳифаларида яна қандай мавзулар акс эттирилиши лозимлиги, келгусида нималар ўқишларини орзу қилишлари билан қизиқадилар.

Ана шундай учрашувлардан бири Абдулла Авлоний номидаги Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида бўлиб ўтди. Уни институт ректори Акром Акмалов олиб борди.

Мулоқотда ЎзРХТВ фан ва малака ошириш бўлими бошлиғи Мойли Лафасов ҳам иштирок этди. Даставвал, у Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи ҳамда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»дан келиб чиқадиган вазифаларга атрофлича тўхталди. Шундан сўнг «Маърифат» газетаси Бош муҳаррири йиғилганлар эътиборини газетанинг мазмун-мундарижасига, режалаштирилаётган ишларга қаратди.

Дарҳақиқат, муаллимлар газетада чоп этилган мақолаларни ҳар доим ўқиб кузатиб борадилар, улардан баъзи бир хулосалар чиқарадилар, тажриба орттирадилар. Халқимизда бир-биридан ўрганиш, бошқасига ўргатиш удум, анъанага айланган. Газета шу жиҳатлари билан муштарийлар қалбидан жой олади.

— Мактабимизда жорий қилинаётган янгиликлар бевосита «Маърифат» газетаси билан боғлиқ, — деди Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 15-мактаб директори Ҳамид Ҳусенов. — Унда эълон қилинган тажрибаларни ҳар доим жамоамиз билан таҳлил қилиб борамиз.

Илм маскани раҳбарининг таъкидлашича, мактабда ўқувчиларга касб-ҳунар ўргатиш борасида қатор ижобий ишлар қилинибди. Айни кунда илм маскани ўқувчилари кулолчилик бўйича тажриба ва санъатларини бутун вилоятга намойиш этишмоқда. Демак, у ерда истиқбол мактабига асос солинаяпти, дейишга асослар бор.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 1-мактаб муаллими Қурбонбой Элтазаров, Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 20-мактаб директори Нарзулла Назаров, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 4-болалар боғчаси мудираси Қаноат Қорабоева ва бошқалар муаммоли фикрларни ўртага ташладалр. Натижада учрашувда баҳс-мунозаралар, ўзаро мулоқотлар қизиб, айрим муаммолар ўз ечимини топа борди.

Қарши туманидаги 13-мактаб раҳбари Отамурод Саъдинов, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 28-мактаб директори Адҳамжон Мамажонов, Самарқанд вилояти Челак туманидаги 13-мактаб раҳбари Акром Умаров, Тошкент вилояти Пискент туманидаги 29-мактаб биология ўқитувчиси Замира Канаева, Бухоро вилояти Жондор туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси Саноат Самиева, Ғузор туманидаги 23-мактаб директори Абдуғафур Ғофуров, Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 3-ўрта мактаб директори Дилором Абдуллаева, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 46-мактаб ўқитувчиси Гулистон Холбоева, Хоразм вилояти Дружба шаҳар халқ таълими бўлими услубшуноси Самандар Рўзимовлар ўзларини қизиқтираётган масалалар тўғрисида фикр юритдилар. Улар газетадаги расмий материаллар шарҳи, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси мавзуини кенг ёритиш, методик маслаҳатлар акс этган материалларга кўпроқ ўрин ажратиш, кимё, биология фани соҳасида кўзга кўринган Ўзбекистон олимлари ҳақида маълумотлар бериш, ўқувчи-ёшлар учун яшил ёки ҳаворанг галстук жорий қилиш муаммосини кўтариш, илғор тажриба минбари рукнини жонлантириш, иложи борича қишлоқ мактаблари муаммосини кўтариб чиқиш, газета саҳифаларида халқаро аҳвол таҳлилига доир чиқишларни кўпайтириш каби таклиф ва мулоҳазаларни билдирдиларки, бу нарса газета ходимларига ўзига хос йўлланма бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Сирасини айтганда, биз муштарийлардан кўплаб хатлар оламиз. Бироқ барибир юзма-юз учрашув, жонли мулоқотнинг руҳи ўзгача бўлади. Муҳокама, мунозара журналистларни янги режа устида ишлашга чорлайди. Билдирилган фикрлар асосида мавзу бойийди. Натижада газетанинг долзарб вазифалари белгиланади. Янги рукнларнинг бўй кўрсатишига имкон яралади. Хуллас, бу учрашув ҳар иккала томон учун фойдали бўлди. Буни мулоқотда иштирок этганлар мамнунлик билан қайд этишди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

Taniqli siymolar

Танишинг: БМТ Бош котиби Кофи Аннан

Кофи Аннан 1938 йили Гананинг Кумаси шаҳрида таваллуд топди. Кумасидаги илмий-техника университетида, кейин эса АҚШнинг Миннесота штатидаги Сант-Поле шаҳрида жойлашган Макалестер коллежида таълим олди.

1961-1962 йиллари Женевадаги халқаро муаммоларни ўрганиш олий институтининг аспирантурасида иқтисодиёт курсини тамомлади.

1971-1972 йиллари Массачусетс технология институтида ўқиб, бошқарув соҳаси бўйича магистр унвонини олди. Кофи Аннаннинг қарийб 30 йилдан ошиқ меҳнат фаолияти БМТда ўтди.

БМТда жаноб Аннан турли соҳаларда ишлаб келган. Шу йиллар ичида у бошқарув — маъмурий, кадрлар, бюджет, молия, тинчликни сақлаш масалалари билан шуғулланди.

Шунингдек муҳим дипломатик вазифаларни ҳам бажариб келди. Мисол учун 1990 йилдаги Ироқ ва Қувайт давлатлари ўртасидаги урушдан халқаро ташкилотларининг 900 ходимини қутқариб олишни уддалай олган. Собиқ Югославияда эса БМТ номидан НАТО бошчилигидаги кўп миллатли мудофаа кучларини бошқаришда қатнашган.

1993 йилнинг мартидан 1996 йил охиригача Кофи Аннан БМТ Бош Котибининг тинчликни қўллаб-қувватлаш жараёнлари бўйича ўринбосари лавозимини эгаллаб келди. Бу давр мобайнида, аниқроғи 1995 йилнинг 1 ноябридан 1996 йилнинг март ойигача Кофи Аннан БМТ Бош Котибининг собиқ Югославиядаги махсус вакили бўлган.

1996 йилнинг 17 декабрида БМТнинг Бош ассамблеяси Кофи Аннанни янги, еттинчи Бош Котиб этиб сайлади ҳамда унга беш йиллик махсус ваколатни (1997 йилнинг 1 январидан то 2001 йилнинг 31 декабрига қадар) топширди. Жаноб Аннангача Бош Котиб лавозимини мисрлик Бутрос Бутрос Ғолий бажариб келди.

Кофи Аннан француз, инглиз, бир қатор африка тилларида гапиради. Оилали ва уч фарзанднинг отаси.

О. ҲАКИМОВ тайёрлади.

ЛИЦЕЙ ВА ДИРЕКТОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

соҳасидаги фаолияти ибратлидир. Масалан, ўқувтарбия жараёнида янгича усулда тест рейтингларини қўллаш билан бирга физика-математика фанлари чуқурлаштириб ўтиляпти. Дарсда микрокалькулятор ва ЭҲМ, шунингдек, радио, телевизор, видеомагнитофондан фойдаланилмоқда. Натижа чакки эмас, 19 нафар биринчи қалдирғочларнинг барчаси (100 фоиз) турли ўқув юртларига ўқишга кирди. Бу йил ҳам шундай бўлди. Шу боис вилоят халқ таълими бошқармаси мазкур интернатда кўргазмали семинар ўтказди ва лицей тажрибасини ўрганиш тавсия этилди.

Лицей жамоасини уюштиришда, лицей меҳнат интизомини йўлга қўйишда, ички ва ташқи имкониятларни ишга солишда лицей директори Машрабжон Ботировнинг тинимсиз изланишлари, ғайрати ва шижоатини алоҳида таъкидлашни истардим.

Энди директор ҳақида. Лицей директори Машрабжон ака Ботиров аслида олий институтларнинг бирида ишларди. 43 йил иш стажига эга. Педагогика фанлари номзоди, доцент. Ниҳоятда ижодкор олим, мураббий. Қўлидан келмайдиган иши кам. У Шаҳрихон туманидаги Сегаза қишлоғида очилган мана шу лицейга фойдаси кўпроқ тегишини сезди ва раҳбарларнинг директорлик лавозимига қилган таклифларини қабул қилди. Ҳақиқий педагог учун ёш авлод тарбияси бўйича ишнинг катта-кичиги йўқ. Бироқ Машрабжон аканинг бу қарорини ҳар бир фан номзоди ҳам бўйнига олавермайди.

Юқорида ижодкорлик ҳақида гапирдик. Дейлик, лицейнинг ўз гимни бор — уни директор ёзган. Мактаб қўнғироғи (синфга кириш, танаффус) автоматлаштирилган, аниқроғи махсус дастур тузилган. Танаффус ҳам, кириш вақтини ҳам ҳеч ким ўзгартиролмайди. У қўнғироқ эмас, мусиқа чалади. Бу ҳам Машрабжон аканинг ихтироси.

М. Ботировнинг яна бир қатор ихтиролари бор экан. Масалан, у институтда ишлаган чоғида (1985 йил) пахта заводига прицепларда келадиган пахтанинг намлигини тезкор усулда аниқлайдиган асбобни ясаган ва у ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда. Бундан ташқари у қарийб барча миллий чолғу асбобларини чала олади,шеър ёзишини эса айтдик, расм чизади, фотоаппаратда сурат тушириб ишлайди, атлас, бўз тўқийди, дурадгорлик қилади, автомобиль ва бошқа техника воситаларига ташхис қўйиб, тузата олади, теле, радиотехника эса унинг қўлида турли мақомларда «рақс»га тушади.

Яқинда у «Тест саволлари ёрдамида имтиҳон олувчи кибернетик машина» яратди. Келинг, сўзни Машрабжон аканинг ўзидан эшитайлик.

— Ўқувчиларнинг фанлардан ўзлаштиришларини аниқлашда тест ва кўп балли рейтинг тизимидан фойдаланиш жорий этилмоқда. Уни ўқув жараёнига қўллашнинг самарали бўлиши учун компьютерларнинг аҳамияти каттадир. Лекин бугунги кунда ҳамма мактаб ёки лицей ҳали ўз компьютерларига эга эмас. Бу муаммони ҳал қилиш учун биз лицейимизда тест бўйича имтиҳон оладиган машина яратдик ва уни «ИКМ-22-97» деб атадик. ИКМ — имтиҳон олувчи машина, 22— лицейимиз рақами, 97—унинг яратилган (1997) йили. Машина Тест маркази хонасидаги столларга ўрнатилган. Бу машина ёрдамида 5 та саволли ва ҳар бир саволга 5 тадан жавоб (биттаси тўғри) бўлган ҳар қандай фанга тузилган тестлар ёрдамида ўқувчилар билимини 10 балли тизимда синаш мумкин. Машиналар 6 та, яъни бир йўла 6 ўқувчи имтиҳон топшириши мумкин. Агар бола тайёр бўлса, уни синаш учун 15 секунд кифоя қилади.

22-лицейнинг Тест марказига биз ҳам кирдик, кўрдик, тест топширдик. Хулоса шулки, машина нафақат ўқувчининг билимини баҳолайди, балки агар ўқувчи хато қилса, қайси саволда хато қилганлигини кўрсатиб беради. Тестдан чиқиб, ўқувчи ўша хатосини тузатиш учун китоб варақлайди, изланади. Машинанинг мана шу хислатида ўқувчи билимининг, ўқитувчининг эса ўргатган билимининг диагностик таҳлили кўринади. Агар болаларнинг бир нечаси бир саволга нотўғри жавоб берса, бунда ўқитувчи бу мавзуни бўш ўтган бўлиб чиқади.

Биз бу қурилманинг методик қўлланма сифатида қоғозга туширилган вариантини олиб келгандик. Бироқ кўпчилик чизмаларни газетада бериш имконини топа олмадик. Машина 5 қисмдан, яъни ток манбаи (1), ўқувчи пульти (2), ўқитувчи пульти (3), сумматор — жамловчи (4) ва ниҳоят баллар таблоси (5) дан иборат. Унга М. Ботировнинг айтишича, унчалик кўп маблағ сарфланмайди. Агар ишдан чиққан ва ҳисобдан чиқарилган «Лингафон-72» лардан фойдаланилса, 6 ўринли машина синфи 1000 сўмга тушади. Агар ҳамма қисмлар бозордан сотиб олинса. 5000 сўм сарф бўлади. Ихтирони Машрабжон ака республика Таълим марказига ҳам топширибди. Яқинда бўлиб ўтган Андижон вилоятидаги янги турдаги ўқув муассасаларининг Август кенгашида Машрабжон акага ҳар бир лицей учун шундай машина ясаб бериш буюртмаси тушди.

Дарҳақиқат, Машрабжон ака унинг афзаллигини ҳар томонлама тушунтириб берди. Биринчидан, юқорида айтганимиздек бир ўқувчига 15—20 секунд, 25 ўқувчини синашга эса 10-12 минут сарфланади. Демак, ҳар куни 100 фоиз ўқувчиларни баҳолаб боришга (эътибор беришга) имкон бор. Иккинчидан, унинг нархи арзон бўлганлигидан ҳар бир фан хонасига ясаб ўрнатиш мумкин экан. Учинчидан, ишлатиш осон бўлганлиги учун ундан бошланғич синфларда ҳам самарали фойдаланса бўлади.

Ижодкор, изланувчан педагог-раҳбарнинг ташкилотчилиги боис лицейда бошқа ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Дейлик, синф хоналари замонавий жиҳозланган, зал ва каридорлар миллий қадриятларимиз, улуғ алломаларимиз ва маҳаллий олимларимизнинг қилган ишларини, таржимаи ҳолларини ёритувчи, мустақил Ўзбекистон рамзлари ва эришилган ютуқлар акс эттирилган 50 дан ортиқ стендлар дид билан ишланган. Эшик-деразаларга пардалар осилган. Ҳовлида сўриток-лар, фонтан, спорт майдончаси, теннис корти ва ҳоказо қатор ишларни санаш мумкин. Албатта, бу ишларни Машрабжон ака танлаб, саралаб олинган ўқитувчи ва тарбиячилар жамоаси билан бирга амалга оширяпти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида халқ таълимига тегишли бўлган жуда муҳим воқеалар содир бўлди. Таълим тизимининг туб ислоҳоти бошланди. Энг асосий янгиликлардан бири бу фарзандларимизнинг 9-синфдан кейинги тақдирига бўлган бефарқликнинг олди олинадиган бўлди. Мазкур сессияда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Президенти 9-синфдан сўнг уч йиллик мажбурий-ихтиёрий ўқиш тартибига алоҳида тўхталди. Нутқдан Иқтибос: *«Янги — ўзимизга хос миллий тизимга ўтишнинг асосий моҳияти шундан иборатки, таянч умумтаълим босқичини тугатган ўқувчига ўзининг хоҳиш-иродаси ва интилишига қараб икки турдаги уч йиллик ўрта махсус ўқув юртларида таълимни мажбурий-ихтиёрий давом эттиришга имконият яратишдир.*

Назарда тутилган биринчи турдаги билим муассасаларини ўрта махсус билим юртлари (академик лицейлар) деб атасак мақсадга мувофиқ бўлади». Бунда таъкидланган академик лицейлар Машрабжон ака Ботиров раҳбарлик қилаётган лицей базасида ташкил этилса бўлади. Тўғри, уни йўлбошимиз айтган даражада мукаммалаштириш керак бўлади. Интилганга толе ёр, деб бежиз айтишмайди-ку, ахир.

Муҳокама учун мавзу. Мақола аввалида келтирилган мақолнинг тескариси, яъни «Мактаб қандай бўлса, директор ҳам шундай» бўла оладими? Нега?

Ўқитувчиларга савол: директорингиз талабчан, ижодкор бўлишини хоҳлармидингиз? Директорларга савол: жамоангиз ўқитувчи ва тарбиячилари ўз устиларида ишлашадими?

Ҳ. САИДОВ.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Швецария маъмурияти Покистоннинг собиқ бош вазири Беназир Бхутто ва унинг турмуш ўртоғига тегишли банк ҳисобларини ёпиб қўйган. Собиқ бош вазирнинг онаси Бегум Нусрат Бхуттога тегишли ҳисоблар ҳам ёпилган. Покистон вазирининг айтишича, ушбу маблағлар Швецарияга ноқонуний йўл билан юборилгани аён бўлгач, Покистон ҳукумати шундай талаб билан мурожаат қилган.

***

Яқин Шарқда расмий сафарини якунлаётган АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Ливанга кутилмаган ташриф билан келган. Президент Харавий ва бош вазир Рафиқ ал Харирий билан музокаралардан сўнг Олбрайт хоним умумий тинчлик жараёнида Ливан муҳим ўринга эгалигини таъкидлаган. Жаноб Харирийнинг умид қилишича, ушбу ташриф Вашингтон тинчлик жараёнида бошқарувчи ролини қайта эгаллаганлик белгисидир.

***

Исроил Бош вазири Бенямин Нетаняху Қуддуси Шарифнинг арабларга тегишли қисмидаги икки бинони яҳудий томонидан эгалланишини қоралаган. Яҳудий келгиндилари кеча ушбу биноларни эгаллаши билан вазият кескинлашган эди. Фаластин ёшлари кун бўйи келгиндиларга тошлар улоқтирганлар.

***

АҚШ, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ҳарбий кучлари қўшма ҳарбий машқларни бошлаганлар. Кейинчалик уларга Туркия ва Россия қўшинлари ҳам қўшилиши керак. Олти кун давом этажак ҳарбий машқлардан мақсад тинчликни сақлаш амалиёти бўйича ҳамкорликни йўлга қўйишдир. Мингдан ортиқ аскар қатнашаётган ҳарбий машқлар Чимкент вилоятига парашютчиларнинг келиб қўниши билан бошланган. Ҳафтанинг иккинчи ярмида машқлар Ўзбекистонга кўчади.

«БИ-БИ-СИ».

***

Айни пайтда Тожикистон Афғонистон чегарасини қўриқлаётган рус ҳарбийлари кеча тунда чегарани бузиб ўтишга уринган яна тўрт кишини отиб ўлдирдилар. Русия чегара хизмати тарқатган маълумотга кўра, ўлдирилганлар ёнидан 110 кг қўқнор, 6 кг ишлов берилмаган наша топилган.

***

Туркманистон парламенти ўзининг одатдаги кузги сессиясини бошлаган. Қайд этилишича, туркман депутатлари муҳокамасига қўйилган янги қонуний лойиҳалар орасида жиноятчиликка қарши кураш ҳамда солиқ тизими бўйича янги лойиҳалар бор. Шунингдек, Туркманистон депутатлари фавқулодда ҳолат эълон қилиш ҳамда миграцияни назорат қилишга қаратилган қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқмоқдалар.

«ОЗОДЛИК».

НАВБАТ ЎҚИТУВЧИЛАР БАЙРАМИГА

Самарқандда «Шарқ тароналари» байрами энг улуғ, энг азиз —Мустақиллик байрамига уланиб кетганди. Энди навбат 1 октябрь — «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» байрамига.

Вилоят халқ таълими бошқармасида байрамни ҳар жиҳатдан мазмунли ўтказиш учун махсус штаб тузилган. Вилоят ХТБ бошлиғи, штаб раиси Анвар Бекмуродовнинг айтишича, байрам бир неча босқичда ўтади. Аввало энг илғор ўқитувчи ва мураббийлар гуруҳини вилоят ҳокими қабул қилади. Туманларнинг илғор ўқитувчи ва мураббийларини Самарқанд шаҳридаги муҳташам театр биносида гўзал байрам тадбири кутмоқда.

Шунингдек, жойларга чиқиб, фахрий ва бемор педагоглар хонадонларига борилади. Шароити оғир педагогларга ҳам имкон қадар ёрдам кўрсатилади. Шу куни барча туманлар маданият ходимлари ўқитувчиларга бепул концерт берадилар, кинофильмлар намойиш қиладилар.

Бу байрамни ҳамма нишонлайди, чунки бизнинг юртда устоз кўрмаган инсонлар йўқ.

Н. НАМОЗОВА.

СЕМИНАР САМАРАЛИ ЎТДИ

СУВ БИЛАН ШЎРВАНИ ФАРҚЛАЯПМИЗМИ?

Афанди йўлда кетаётса, рўпарасидан ҳовуз чиқиб қолибди. Қараса сувда ўрдаклар сузиб юрганмиш. Шу пайт одам шарпасини сезган ўрдаклар сувдан чиқиб қочиб қолибди. Бу ҳолатни кузатаётган афанди тўсатдан хурсанд бўлиб, ҳовуз бўйига борибди-да, ҳадеб сув ича бошлабди. Шунда афандининг тинимсиз сув ичаётганига ҳайратланган бир киши «Тақсир, нима қилаяпсиз?» деса, «Шунга ҳам ақлинг етмайдими, галварс, кўрмаяпсанми, ўрдакшўрва ичаяпман» деб жавоб берган экан.

Бизнингча ўша афанди ҳам тунов кунги «қизил империя»нинг бирорта сиёсатчиси бўлса керак. Мана, ишонмасангиз битта мисол. Яқинда республика Олий Мажлисининг IX сессиясида Президентимизнинг сўзлаган нутқида шундай жумлалар бор: «... собиқ СССРда бутун бошли педагогика техникумлари ва билим юртлари тизими ташкил этилиб, улар асосан 1-4-синф ўқувчиларини ўқитадиган муаллимлар тайёрлар эди.

Ваҳоланки, боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар биркитиб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади».

Хўш, бу манзара афандининг «шўрва» ичишидан нима фарқи бор? Шу ўринда яна бир савол туғилади. Нима учун оддий мантиққа тўғри келмайдиган «ҳақиқатни» шунча йил ҳеч ким сезмади? Назаримда ушбу саволнинг туғилиши ҳам, жавоби ҳам табиий бўлса керак. Ахир, дунёни ямламай ютаман, деб турган СССРнинг ҳам «адашиши» мумкинмиди? Бизни хароб этган ақида худди ана шу. Қани шу ақидадан тониб ҳам кўринг-чи, эди...

Бугун таълим ислоҳот йўлида. Энди нима қилиш керак? Қандай йўлни тутса, юртимиздаги таълим-тарбия тизими жаҳон талаблари билан бўйлашади? Мана шу хил саволларга жавоб топиш учун Андижон вилоятида республика халқ таълими вазирлиги билан Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамкорликда «Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда давлат таълим стандартлари вилоят инспекцияларининг фаолиятини такомиллаштириш» мавзуида республика семинар-кенгашини ўтказишди.

Йиғилишда республика халқ таълими вазирининг ўринбосари Хайриддин Маъсудов, республика давлат таълим стандартлари инспекцияси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов, Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Жўра Халилов ва шу вилоят давлат таълим стандартлари инспекцияси бошлиғи Тоҳиржон Тўйчиев, шунингдек барча вилоят инспекциялари вакиллари иштирок этишди.

***

Даставвал шуни айтиш керакки, республика Давлат таълим стандартлари инспекциясининг тузилганига ҳали айтарли вақт бўлгани йўқ. Бироқ вазият ўқитиш давлат таълим стандартлари бўйича вилоят, шаҳар ва туман инспекцияларини ташкил этишини тақозо этди. Мана шунга кўра, Андижон вилоятида ўқув техника воситалари марказлари фаолиятини тугатиш ҳамда улардаги штатлар жадвали ва харажатлар сметасидан чиқмаган ҳолда ҳам 3-5 кишидан иборат шаҳар, туман Давлат таълим стандартлари инспекциялари ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида улар қандай ишларни амалга оширдилар? Семинар-кенгаш иштирокчилари дастлабки икки кун давомида ана шу саволга жавоб излашди.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган инспекция вакиллари муайян гуруҳларга ажралиб, вилоятнинг ҳамма туманларида бўлиб, ўша туман инспекция ходимларининг бугунги фаолияти билан танишиб чиқишди. Жумладан, биз ҳам Наманган вилоятидан келишган инспекция ходимлари билан биргаликда Тўрақўрғон туманида бўлганимизда у ердаги таълим муассасаларида кишини қувонтирадиган баъзи манзараларнинг шоҳиди бўлдик. Дейлик, ўша туманда жойлашган касб-ҳунар лицейида бугун 560 ўқувчи сабоқ олаётган экан. Лицейнинг компьютер амалий, назарий синфлари, тадбиркорлик хоналари дид билан жиҳозланган. Шуни ҳам айтиш лозимки, бу даргоҳдан чеварлар, ип йигирувчилар, усталар етишиб чиқар экан. Биз бу ёзган жумламизнинг исботини ҳам кўрдик. Лицейда бўз тўқишаётган ўқувчи қизлар билан учрашдик. Қизиғи, тўқилаётган бўзларнинг сифати бугунги бозорлардагидан қолишмайди. Ва яна эътиборлиси шундаки, лицейда ишлаб чиқарилган бўзлар шу ҳудуддаги жамоа хўжаликларига «пахта этак» сифатида сотилиб, шу кунларда 200 минг сўмлик даромад олинибди.

Дарвоқе, ўша куни тумандаги боғча, мактаб раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилиш ўзаро савол-жавоб тарзида кечди.

Туманнинг 2-боғча, 5-мактаб, 8-гимназияларининг фаолияти билан танишганимизда ҳам бу муассасалардаги таълим-тарбия ишлари маромида эканлиги аён бўлди. Айниқса химия-биология ва инглиз тилига ихтисослашган 18-лицей интернатининг фаолияти ҳавас қилгудек. Лицейдаги ишлар шу даражада изчиллик билан олиб борилар эканки, ҳовлидаги ҳар бир дарахт ҳам қайсидир ўқувчига биркитиб қўйилган.

Дарҳақиқат, семинар-кенгаш якунида иштирокчиларнинг ялпи йиғилиши бўлиб, унда турли вилоят вакиллари сўзга чиқишди. Кенгашда халқ таълими вазири ўринбосари Х. Маъсудов сўзга чиқиб, бугунги таълимимиз олдида турган қатор вазифалар хусусида батафсил гапириб ўтди.

Хуллас, ушбу семинар-кенгашнинг моҳияти ҳақида ҳали кўп ёзса арзийди. Бироқ биз бу моҳиятга қисқача «умр» ато этамиз-да, ўзимизнинг холисаниллоҳ фикримизни шундай баён этамиз:

— Андижонда бугун таълим-тарбия жараёнини яхшилаш борасида ибратли ишлар олиб борилаётган экан.

УЧ САВОЛГА УЧ ЖАВОБ

Дарҳақиқат, семинар-кенгаш якунланар экан, биз бир савол билан иштирокчиларга мурожаат этдик. Хўш, Андижонда сиз кўрган шаҳар ёки тумандаги таълим-тарбия жараёнини ўзингизнинг шаҳар ёки туманингиздаги жараён билан таққосладингизми? Қандай тафовут бор? Ютуқлар, камчиликлар?..

Эркин ЙЎЛДОШЕВ — Жиззах вилояти халқ таълими Давлат таълим стандартлари вилоят инспекцияси эксперти:

— Биз Бўз туман халқ таълими бўлими қошида тузилган инспекция ишлари билан танишдик. Шахсан менда инспекция фаолияти учун яратилган шароитлар ва уларга берилган имтиёзлар яхши таассурот қолдирди. Тумандаги 1, 4-боғчалар, 18-гимназияда олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари бугунги талаб даражасида эканлиги, айниқса болаларга бериладиган бошланғич иқтисодий таълим асослари, экология таълими ва чет тилларни пухта ўргатилаётганлиги намунали манзара бўлса керак.

Н. ЁҚУБОВ — Сурхондарё вилояти Қизириқ туман Давлат таълим инспекцияси бошлиғи:

— Биз Хўжаобод туманидаги таълим муассасаларида бўлиб, туман Давлат таълим стандартлари инспекцияси фаолиятини ўрганиб чиқдик. Тумандаги болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида 1, 4-болалар боғчаларида, 1, 18, 24-ўрта мактабларда олиб борилаётган ишлар бизда катта таассурот қолдирди.

Хўжаобод тумани билан бизнинг Қизириқ туманимиздаги таълим тизимимизда ўзаро ўхшашликлар бор экан. Фақат шуни айтиш керакки, биз танишиб чиққан муассасаларнинг моддий-техника базаси бизларникига нисбатан анча юқори.

Аҳмаджон ЖЎРАЕВ — Ангрен шаҳар давлат таълими стандартлари инспекцияси инспектори:

— Биз, шахсан мен Андижондан катта таассуротлар билан қайтяпман. Бу, албатта, бизнинг шаҳримиздаги таълим-тарбиянинг такомиллашувига ҳам хизмат қилса керак.

Ўқиб турганингиздек, семинар иштирокчиларининг фикрларида фақат кишини қувонтирувчи қайдлар баён этилган. Демак, шу нуқтаи назардан чиқиб айта оламизки, ҳали Андижондан ўнлаб Мирзо Бобурлар «униб» чиқажак.

Алишер НАЗАР, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

НАСЛИЙ ҚОБИЛИЯТ

Америкадаги илмий тадқиқот марказларидан бирида узоқ йиллардан бери инсоннинг ақлий (интеллектуал) қобилияти ва генетик коддлари ўртасидаги боғланиш ўрганилмоқда. Маълум бўлишича, эгизакларнинг интеллектуал қобилияти кўп ҳолларда яқин туради, ҳаттоки алоҳида ўсган эгизакларнинг бу қобилияти бирга яшаган кишиларникидан ҳам ўхшаш бўлади. Бу инсон генетикасининг муҳитдан ҳам кўпроқ бўлган таъсирини кўрсатмоқда.

КАЙФИЯТ МОДДАСИ

Бугунги кунда олимлар қувонч, ғазаб, қўрқув ёки муҳаббатни келтириб чиқарувчи одам организмидаги алоҳида моддалар мавжудлигини таъкидлашмоқда. АҚШдаги Макгилла университетининг мутахассислари 8 эркак ва 8 аёл кишини беш йил давомида ҳар томонлама текширувдан ўтказиб, эркакларнинг мияси 55—60 фоиз ҳолларда серотонин — ҳиссиёт ва кайфиятни жиловлаб турувчи моддани ортиқроқ ишлаб чиқаришини маълум қилдилар. Бироқ, энг ҳайратли кашфиётлар ҳали олдинда.



МИЯНИ ТОЗАЛАШ

Австралияда жойлашган ахборот, тўлқинлар ҳамда генетика технологиялари бўйича илмий марказнинг мутахассислари инсон хужайраларига микротўлқинлар орқали таъсир кўрсатиб ҳар қандай касалликни даволаш йўлини қидирмоқдалар. Аниқланган маълумотларга кўра, организмдаги ўзгаришлар миядан келиб чиқмоқда. Олимларнинг айтишича, келажакда махсус тўлқин таъсирида инсон миясидан салбий ахборотни ўчириб ташлаш мумкин. Ҳозирча бу соҳада биринчи қадам ташланди, холос.

ЯНГИ УСУЛ

АҚШнинг Оклахома штатидаги стоматология коллежининг мутахассиси М. Рорер стоматология асбоб-ускуналарини стериллашнинг қулай ва фойдали усулини ишлаб чиқди. Унга кўра, ускуналар махсус аппаратда микротўлқинлар ёрдамида тозаланади. Бундай усулда металлар босим остида буғ билан тозаланганидек оз бўлса ҳам коррозияга учрамайди. М. Рорер ўз ихтиросининг бутунлай хавфсиз эканига кафолат бермоқда.

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» ТИМ ХЕНМЕНДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

қанча эди.

... Финал! Қайси спорт турида бўлишидан қатъи назар, унинг жозибаси, шижоатини ҳеч бир нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Ушбу ўйин финалида ҳам худди шундай бўлди. Узунданузоқ машаққатли довонни босиб ўтган кортдаги спортчилар ғолиблик учун бор куч ва имкониятларини ишга солишди.

Швейцариялик моҳир теннисчи Марк Россе шу кунгача барча рақиблари устидан ғалаба қозониб, Тим Хенмен сингари «Президент Кубоги» учун асосий даъвогарлардан бири эди. Роппа-роса бир ярим соатга чўзилган финал баҳслари томошабинларнинг қизғин олқишлари остида ўтди. Гоҳ Тим Хенменни, гоҳ Марк Россени гулдурос қарсаклар билан қўллаб-қувватлаб турган томошабинлар бири-биридан қизиқарли ва жозибали ўйинларнинг шоҳиди бўлишди. Ўйиннинг дастлабки тўрт геймида кучлар қарийб тенг келди. Чунки Россенинг кучли зарбалари майдон маркази бўйлаб йўналган бўлса, Тим Хенмен тўпни ўткир бурчак остида оширди, Россе бу тўпларга ўз вақтида етиб келолмади ва айланма ҳаракатда бўлган тўпни аниқ қайтара олмади. Фақаттина кейинги соатларда Буюк британиялик спорт устаси тўла устунликка эришди ва ўзи учун энг аҳамиятли бўлган муҳим ғалабани қўлга киритди. 7/6, 6/4.

ТАҚДИРЛАШ

Финални томошабинлар орасида ўтириб, зўр қизиқиш билан томоша қилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кумуш тамғали биллур кубокни ғолиб Буюк британиялик Тим Хенменга топширар экан, унга келгуси мусобақаларда омад тилади. Финал қатнашчилари турнир совринларини қабул қилиб олишаётганида ҳам мухлислар ўринларидан туриб, уларни гулдурос қарсаклар билан олқишладилар-ки, бу ниҳоят бизнинг кенг жамоатчилигимиз ҳам теннисни ва унинг аҳамиятини дилдан тушуна бошланганлигидан далолат бермоқда. Буни ўз навбатида швейцариялик Марк Россе ва турнир ғолиби Тим Хенмен ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қўлидан кубокларни қабул қилиб олар экан, ўз миннатдорчилик сўзларида алоҳида қайд этишди ва бундай томошабинлар — теннис мухлислари нигоҳи остида турнирларда қатнашиш ўзлари учун катта бахт, шараф эканлигини таъкидлашди. Хенмен ва Марк Росселар илож борича келгуси йили ҳам ўзларида ажойиб ва ёрқин таассурот қолдирган мамлакат — Ўзбекистонга келишини, «Президент Кубоги» турнирида яна қатнашиш ниятида эканлигини билдирдилар. Қолган спортчилар ҳам тегишли совға ва совринлар билан тақдирланди.

ЖУРНАЛИСТЛАР САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАР

... Матбуот марказида ғолиб Тим Хенмен билан журналистларнинг матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Хенмен ўзига берилган барча саволларга атрофлича жавоб қайтарди. Дастхат ёзиб бериш, бирга суратга тушишдан қочмади.

— Пойтахтингиз Тошкентдаги бундай нуфузли турнирнинг ғолиби бўлганимдан ниҳоятда бахтиёрман, — деди у навбатдаги саволга жавоб берар экан. — Тошкент ҳам, томошабинлар ҳам, «Юнусобод» спорт соғломлаштириш мажмуаси ҳам менга ёқди. Энг яхши хотиралар билан юртимга қайтаман.

Турнирнинг тантанали ёпилиш маросимида республикамиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари том маънодаги оламшумул теннис байрами билан барча мусобақа ташкилотчилари, спортчилар, Ўзбекистон аҳолисини, турнирда ажойиб ўйин кўрсатган барча иштирокчиларни қизғин қутлади. Республикамиз Президенти Ислом Каримов шарқона одатга кўра турнир ғолиби Т. Хенмен ва М. Росселарга ўзбекона тўн ва дўппи ҳадя этди. Албатта, бу дақиқаларда марказий кортда гулдурос қарсаклар янгради.

Мамлакатимиз Президенти IV халқаро турнирни ёпиқ деб эълон қилар экан, барча қатнашчиларни яна ўзбек заминига келишга, халқимизнинг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлишга даъват этди.

ЎЙИНДАН КЕЙИНГИ СУҲБАТЛАР

Шундай қилиб, пойтахтимизнинг энг гўзал ва сўлим гўшасида қад ростлаган «Юнусобод» теннис мажмуасида 8 кун давом этган «Президент Кубоги» учун халқаро теннис мусобақалари ниҳоясига етди. Биз фурсатдан фойдаланиб, ўйин ташкилотчиларининг айримлари билан суҳбатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Сассон КАКШУРИ — Швейцариянинг «Айтипи» фирмаси президенти, мусобақа ташкилотчиси:

— Бугунги кунда Ўзбекистондаги теннис уч жиҳати билан характерлидир. Биринчидан, юртингизда катта теннис жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда, иккинчидан, теннис иншоотлари кенгаймоқда, яъни янги, замонавий теннис кортлари кўплаб қурилмоқда, учинчидан эса халқаро мусобақаларда мунтазам иштирок этувчи профессионал ўйинчилар етишиб чиқмоқда. Буларнинг барчасига республикангиздаги тинчлик-осойишталик, ислоҳотларнинг кўнгилдагидек кечаётгани, ҳукуматингизнинг кучли ижтимоий сиёсати сабаб бўлмоқда.

Назаримда Юнусободда ўтказилган IV халқаро теннис турниридаги бу ўйинлар минбарлардан кузатганларга ҳам, ойнаи жаҳон қаршисида томоша қилганларга ҳам олам-олам қувонч бағишлади. Эндиликда томошабинлар орасида бу назокатли ўйиннинг кўплаб ихлосмандлари пайдо бўлганига, келажакда улар халқаро майдонларда ўзларини кўрсатишларига қатъий ишонаман.

Дони ГАЛИ — мусобақа бош ҳаками:

— Бу IV «Президент Кубоги» мусобақалари бўлса-да, бу соҳада мақтовга лойиқ ютуқларга эришилди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда ўзбек заминида жуда кўплаб халқаро миқёсдаги мусобақалар ўтказилмоқда. Бу эса келажакда Ўзбекистоннинг буюк теннисчилар мамлакати бўлиб қолишига умид туғдиради.

— Бу йилги турнир кўнгилдагидек ўтди, деб айта оласизми?

— Ҳа, бемалол айта оламан. Негаки бу йил ташкилотчилик яхши бўлди. Мусобақаларнинг ташкил қилиниши, ўзининг кўлами, улуғворлиги, юксак даражаси билан барчабарчани ҳайратга солди. Энг муҳими, Тошкентдаги учрашув спортчиларга Ўзбекистонга меҳр қўйиш, тинчлик ва барқарорлик нима эканлигини англаш имконини берди.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

ШОИР - ЎҚИТУВЧИ

Обид Расул — болаларнинг севимли ва заҳматкаш шоири. У бутун ҳаётини, бутун умрини болаларга бағишлаган.

Обид аканинг асл қасби — ўқитувчилик. Ярим асрдирки, мактабда ишлаб, болалар билан доим ҳамнафас яшаб, уларнинг ташвиш ва қувончларига шерик бўлганлар. Шунинг учун шоир шеърларида болаларнинг интилишлари, ўй-орзулари, қувончлари, ҳаяжонлари шундоқ бўртиб туради.

Шоирнинг «Олмазор», «Кўк чакмонли йигитча», «Аҳиллик», «Қувноқ болалар», «Асал амаки», «Садаф тишли паҳлавон», «Хайрихон ва Майлихон» каби қатор китоблари нашр этилган.

Шоир шеърларини ўқир экансиз, «Тоғ ошиб, боғ ошиб, шилдираб-пилдираб» келаётган сойларнинг шўх қўшиғини эшитгандай бўласиз. Дил она заминга меҳр туйғулари билан тўлиб-тошади. «Табиат бош онамиз» дейди шоир.

Обид ака доим шеър ишқи, ижод фикри билан яшайди. Болаларга энг зарур, энг муҳим гапларни топиб айтишга ҳаракат қилади. Мен Обид ака билан жуда кўп мактабларда, оромгоҳларда бирга бўлганман. Болалар шоир шеърларини катта қизиқиш билан эшитганларининг гувоҳиман.

Биз ўзининг 75 ёшлигини қарши олаётган заҳматкаш, жонкуяр шоиримиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Обид Расулга сиҳат-саломатлик ва илҳомлар тилаймиз.

Рауф ТОЛИБ.

Обид РАСУЛ

ОППОҚ ТОНГ ҚУШИҒИ

Кўк қасридан офтобжон
Кулиб-кулиб қаради.
Кокили маржон-маржон
Ер-заминга таради.

Унинг ипак йўлидан
Мактабга шод кетаман.
Шу куннинг кафт-қўлидан
Иқболимга етаман.

ЯША, ҲУР ЎЗБЕКИСТОН

Эрк-адолат қўлингда,
Қуёш пешвоз йўлингда.
Ерларинг боғу бўстон,
Яша, ҳур Ўзбекистон!

Мустақилсан она юрт,
Дўстларингни маҳкам тут.
Қаддинг мангуга осмон,
Яша, ҳур Ўзбекистон!

Қулф эди-ку чегара,
Дарвозалар очилди.
Тенглик, дўстлик, улуғлик,
Мангуллика сочилди.

Туркий халқлар бир бугун,
Юзларимиз шод-гулгун.
Тинч ва тотув ошиён
Яша, ҳур Ўзбекистон!

Халқинг аҳил, сахий қўл,
Ҳар қадамда бойлик мўл.
Тилларда мадҳинг достон
Яша, ҳур Ўзбекистон!

КОМПЬЮТЕРЛИ ЯНГИ МАКТАБ

Янги ўқув йилида Тайлоқ тумани Боғизоғон қишлоғида 640 ўринли янги 36-мактаб ўқувчиларни ўз бағрига олди. Халқ таълими вазирлиги бу мактабга ўз совғаси — компьютер мажмуасини ҳадя этди. Парта, доска каби жиҳозлар вилоят техника лицейи ва бошқа таълим муассасалари қошида ишлаб чиқарилган.

Мактабнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими А. Мардиев, Тайлоқ тумани ҳокими А. Искандаров, вилоят ХТБ бошлиғи А. Бекмуродов қатнашдилар.

Дарвоқе, янги ўқув йилининг биринчи кунида вилоят бўйича 7 та янги, 11 та мактабга қўшимча бино, жами 5200 ўринли ўқув даргоҳлари фойдаланишга топширилди.

Мухбиримиз.

«ЧОРБОГ» Халқаро Таълим Маркази

АҚШ ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР БЮРОСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНАЁТГАН ЎҚУВЧИ, ТАЛАБА ВА МУТАХАССИСЛАРГА АУДИОКАССЕТАЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Аудиокассета (*) ва қўлланмалар	Нархи сўм
1. World English (нашр. 1—2, 3—4, 5—6)	
a. Student Book	
b. Workbook	
c. Teacher's Book	
d. Аудиокассеталар	
Жами:	
Талабалар ва ўқувчилар учун (a+b+d)	9600
Ўқитувчилар учун (a+b+c+d)	12000
2. Easy does it 3. Experiencing English*)	790
4. Right Reading 5. The Way it is*)	770
6. The Lighter Side of TEFL*)	700
7. Seven of Note*) 8. Twelve famous Americans*)	920
9. Varieties of American English*)	520
10. Economic Consideration	700

Бизнинг адрес: Тошкент ш. Буюк Ипак йўли к. 167 а, Тел.: 65-41-45 65-71-59, Факс: 67-69-98

Xullas

ЮЗ ЁШЛИ... ЧАҚАЛОҚ!

Анна момо юз ёшга тўлди. Бу қутлуғ ёшни қариндош-уруғ, ёру дўстлари даврасида шоду ҳуррамлик билан нишонлади. Бироқ... шу пайттача туппа-тузук олиб турган нафақа пули узилдиқолди. Таажжубланган Анна момо дарҳол Кричево шаҳри маъмуриятига ариза ташлади. Текшир-текширдан сўнг маълум бўлдики, таъминот бўлимидаги компьютер дастурида инсоннинг юз ёшдан ошиши ҳисобга олинмаган экан! Хойнаҳой, бу «ақлли темиртан» бир аср одамзод учун етарли, деб ўйласа керак-да. Шу сабаб, юз ёшдан ўтганларни яна қайта... янги туғилган чақалоқлар қаторига қўшиб қўяр экан!

Шундай қилиб, Белоруссиянинг Кричево шаҳарчаси ижтимоий таъминот бўлими ходимлари ҳузурларига ўз оёқлари билан юриб келган 100 ёшли «чақалоқ»ка обдон анграйиб қарашгач, нафақа ҳисоб-китобини қайта бошлашди...

ГАДОНИНГ ДУШМАНИ

гадо бўлади деганларидек, грузиялик хорижий туризм билан шуғулланадиган ишбилармонлар ўз ҳамкасблари — «маҳаллий сайёҳлик» фирмасининг «тагига сув қуйишга» бел боғладилар. Қандай қилиб, дейсизми? Улар Қора денгиз бўйида одамлар дам олмай, уларнинг йўлланмалари билан узоқ-узоқларга кетиши учун ажабтовур миш-миш ўйлаб топишди. Эмишки, Қора денгиз қирғоқларига яқин жойда 15 метрли одамхўр балиқ пайдо бўлганмиш! Бу ўйдирма тезда ўз кучини кўрсата бошлади. Табиийки, маҳаллий сайёҳлик бизнеси билан шуғулланувчилар бу ҳолдан типирчилаб қолишди. Айни кунда улар бу мишмишларнинг барчаси ёлғонлигини исботлаш учун югуриб-елиб юришибди. Ҳисоб-китобларга қараганда, бундай ортиқча даҳмазага улар Қора денгиз курортларидан келадиган икки йиллик даромадни аллақачон сарфлаб улгуришган. «Эшагидан тушови қиммат», деб шуни айтишса керак-да...

Ana shunaqa gaplar

«Маърифат» газетаси жамоаси Ўзбекистон оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ҳамраиси, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевга онаси **Бусалима МУЛЛА ТЎРАБОЙ** қизи вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Халқ таълими вазирлиги Республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази жамоаси марказ бош директори Шавкат Назаровга қайнотаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи **Иброҳим ОТАЖОНОВ** вафоти муносабати билан чуқур таъзим изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси таълим фахрийси, вазирлик марказий аппаратининг собиқ масъул ходими **Мели АРСЛОНОВ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Sport maydonchasi

КОРЕЯГА ТЕНГ КЕЛИШ ҚИЙИН

Ўтган ҳафта Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш ўйинларини Сеулда жанубий кореяликлар билан ўтказишди. Ниҳоятда қизиқарли ва муросасиз ўтган ўйинда ўзбекистонлик ўйинчилар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тўпни ўйинчимиз Олег Шацких киритди. Болгария — Россия учрашувида эса болгарияликлар 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бельгияликлар Голландия терма жамоасига 1:3 ҳисобида имкониятни бой беришди.

РОМАРИО 30 ТЎП КИРИТИШГА ТАЙЁР

Ромарио бугунги кунда жаҳонга машҳур футболчи ҳисобланади. У қайси жамоада ўйнаган бўлмасин ўша команда чемпион бўлган. Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, шартномага мувофиқ тўп сурган ҳар бир жамоасида Ромарио ҳар 35-40 учрашувда камида 30 тадан тўп киритган. «Насиб қилса, бундан буёғига «Валенсия» таркибида тўп сурар эканман, гарчи бу команданинг чемпион бўлишига тўлиқ ишонмасам-да, барибир рақибларим дарвозасига 30 та тўп киритаман, дейди Ромарио.

ТУҲМАТ БАЛОСИДАН...

Жаҳонга машҳур «Хююстон Рокете» баскетбол командасининг ёрқин ҳужумчиси Чарльз Баркли шу кунга қадар барлардан бирида фуқаролардан кимнидир дўппослаганликда айбланаётган эди. Ниҳоят жуда ҳам катта шов-шувларга сабаб бўлган бу воқеа ўз ечимини топди. Одил суд ҳукмига кўра, Чарльз Барклига ғанимлари туҳмат қилишган экан. Энди унинг ғанимлари бу «ҳурмача қилиқ»лари учун катта миқдорда жарима тўлайдиган бўлишди.

ЭЛДОР — ШАХМАТ УСТАСИ

Яқинда шахмат бўйича Самарқанд кубоги финал мусобақалари бўлиб ўтди. Тўрт ой давом этган саралаш мусобақалари ва финал баҳсларида ғолиб аниқланди. Бош соврин ёш истеъдодли шахматчи, спорт усталигига номзод, вилоят ёшлар терма жамоаси аъзоси Элдор Исмоиловга насиб этди.

АЛМАТИДАГИ ДАСТЛАБКИ ОЛТИНЛАР

Шу йилнинг 13 сентябрь куни Алмати шаҳрида «Марказий Осиё ўйинлари» тантанали равишда очилди. Халқаро олимпия қўмитаси бошчилигида ўтказилаётган ушбу беллашувларда спортчилар 14 тур бўйича ўзаро беллашаяптилар. Кеча дзюдо қураши бўйича юртдошларимиз дастлабки муваффақиятга эришдилар. Улар жами 3 та олтин, 1 та кумуш ва 3 та бронза медаллари соҳиби бўлишди.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0596. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6